

Ислом неъматдир, Ислом ҳеч қачон ўлмайди...



10:00 / 25.12.2020 4279

Вафоти олдидан машҳур футболчи Абдулкарим Метсу (аввалги исми Бруно Метсу) шундай деган эди:

«Африкалик мусулмонлар сабаб мен Аллоҳни танидим. Улар бўлмаганда...

Ислом неъматдир, Ислом ҳеч қачон ўлмайди... Алҳамдулиллаҳ, мен мусулмон ҳолда вафот этяпман...».

Машҳур футболчи Абдулкарим Метсу

Бруно Метсу франциялик машҳур футболчи, ярим ҳимоячи бўлган. 2002 йили Жанубий Корея ва Японияда бўлиб ўтган футбол бўйича мундиалдаги иштироки билан кўпчиликнинг ёдида қолган. Бруно Метсу камтаргина

Сенегал термасига бош мураббий эди. Сенегал тарихида биринчи мартаба жамоани 1/4 финалгача олиб чиққан, яъни мураббийлик меҳнати фойдасига ишлаган эди.

У Сенегал аҳолисини икки бор хурсанд қилган. Бири мундиалдаги оламшумул ютуғи бўлса яна бири Ислонни қабул қилгани бўлди.

Бруно Метсу сенегаллик муслимага кўнгил қўяди ва Ислонга кирганини эълон қилиб, унга уйланади. Ундан икки ўғил, бир қиз кўради сўнгра ўз исмини Абдулкарим деб ўзгартиради.

1954 йил, 28 январда Франция (Кудкерк-Виллаж)да насроний оилада таваллуд топган Бруно 2013 йил 14 октябрь куни Сенегал пойтахти Дакар шаҳрида 59 ёшида муслмон ҳолда вафот этади. Абдулкарим «Ёф» номли муслмонлар қабристонига эҳтиром ила дафн этилган.